
Хотин-қизлар фаоллари иштирокида семинар ўтказилди

Аҳолини ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, айниқса хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тумандаги Ахборот-кутубхона марказида хотин-қизлар фаоллари иштирокида семинар ўтказилди.

Ўтказилган семинарда туман адлия бўлими, ФХДЁ, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими, Мактаб ва мактабгача таълим бўлими, камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими вакиллари томонидан мазкур йўналишда қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун моҳияти ва бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тушунчалар берилди.

Шунингдек семинарда хотин-қизлар фаоллари томонидан берилган саволларга ҳамкор ташкилот вакиллари томонидан аниқ ва керакли маслаҳатлар берилди.

2024-01-29 20:21:45